

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ДЕКАБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ИЛ ЧИҚИШИ — № 33 (4749). | 15 февраль, 1973 йил, ПАЙШАНБА | Баҳоси 2 тийин

Республика партия, совет ва хўжалик органларига ўзларининг амалий фаолиятида КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида, КПСС Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР 50 йиллиги тўғрисидаги докладда баён этилган қондалар ва ҳусласаларга муттасил амал қилиш, мавжуд камчиликларни тугатиш юзаси

дан зарур чораларни кўриш, партия ва ҳукумат директиваларининг бажарилишини контроль қилишни кучайтириш, корхоналар, ташкилотлар, колхозлар ва совхозларнинг, давлат ва хўжалик аппарати ҳамма бўғинларининг раҳбарларига иш натижалари учун бўлган талабчанликни ошириш вазифаси топширилсин.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленуми қароридан)



ТЕХНИКА ШАЙ

© ЎРТА ЧИРЧИҚ районидagi Охунбобоев номли колхозда техникани ремонт қилиш намунаси ташкил этилган. Мавжуд механизмлар қўлам экни кампаниясига шай қилиб қўйилган. Ремонт ишида А. Қодиров ва Э. Халилов ўртоқлар алоҳида ўрнатиб меҳнат қилишди. Улар кундалик топшириқларини 110—120 процентга етказиб юқори сифатли бажариб, ҳурматта сазовор бўлишди. Суратда: 1) (ўнгдан чапга) ремонтдан чиқарилган тракторлар. 2) илгор ремонтчилардан (чапдан ўнгга) А. Қодиров ва устакхона мудир Э. Халилов ўртоқлар.

А. Абалаян фотоси.



ЖАНУБДА БАҲОР ТАРАДДУДИ

ОБЛАСТЛАР МУСОБАҚАЛАШМОҚДА: ТАҚҚОСЛАШ НИМАНИ КЎРСАТАДИ

Сирдарё бўйларида Ўзбекистоннинг икки воҳаси — Сирдарё ва Тошкент областининг лоёсиз далалари ястаниб ётибди. Ҳамма жойда баҳор нафаси. Экинчи олдидан далалар текисланмоқда, ариқ-зовурлар тоза ланмоқда, далаларга ўнгит чиқариламоқда. Ўтган йилларда бўлганидек бу ҳар икки област деҳқонлари мусобақалашиб тўғрисида шартнома тўздилар, 1973 йилда меҳнат фронтида беллашишга аям қилдилар.

— Бизнинг мақсадимиз битта. Ишлаб чиқаришда умумий юксалишга эришиш. Ўзаро таърибларимизни ўртоқлашамиз, бир-биримизни қўллаб-қувватлаймиз, — дейди Сирдарё области партия комитетининг биринчи секретари Қ. А. Аҳмедов. — Мусобақа шiori шундай: ўзинг юксак кўрсаткичга эришсанг, мусобақадонингга сендан оғда қолмаслиги учун ёрдам бер!

Кейинги йилларда Сирдарё области партия етиштиришни 247 минг тоннадан 515 минг тоннага етказди. Бундай муваффақиятга Мирзачўлдай ерлари экинга яроқсиз деб ҳисобланган жойда эришилди. Тошкент пахтакорлари эса тектиридан олиндиған ҳосилдорлигини деярли 7 центнерга оширдилар.

Ана шу областларда пахта ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам қадар тез юксалишларга эришилди. Механизация, химиялаштириш ва мелiorация ҳал қилувчи роль ўйнади. Бу йил сирдарёликлар юксак марраларни қўлашмоқда: улар мамлакатта 530 минг тонна пахта етказиб беришмоқчи, ҳосилнинг 70 процентини машиналарда териб олинади. Пахтакор, Илйич, Дўстлар каби районларнинг деҳқонлари машина теримини ҳатто 85—90

процентга етказишни мўлжаллашмоқда.

Тошкентликлар пахта ҳосилининг учдан икки қисmini механизмлар ёрдамида йиғиштириб олишни қўлаб-қувватлайди. Шундай бир факт диққатга сазовордир. Яқин-яқинларга ҳа ҳа чеканасида минглаб ишчилар банд бўлишар эди. Эндиликда кўп меҳнат талаб қилмайдиган бўлиб машиналар бажарипти. Чигитни кенг қаторлаб етказиб иборат прогрессив усул ҳам Сирдарё соҳилидан ҳаётга йўланма олган. Бу усул Мирзачўлнинг «Малик» совхозига пайдо бўлган, кейинчалик эса бутун республикага тарқалган.

Езда Тошкент воҳасида бўлган қишлоқ аҳолиси манзарига кўз тушди: тоғ этакларида, тепаликлар ва тилларда ҳам пахтазорлар яшнади. Баъзилар: бу ерда сув қаердан келади, деб ҳайратга тушар эдилар. Бундай жойларда гўшани сугоритиш сувчиларнинг муҳирлиги туфайли мумкин бўлди.

Ҳозир сугорилган сирдарёликларнинг ўз янгилиги бор. Бу — механизация усулида сугоритиш. Сувчи даладаги оғир-ҳаётни кетондан эмас, балки ёмғир ёғдирувчи машиналар ва ёғилувчан шланглар ёрдамида оқизади. Бу усул

катта фойда келтирмоқда, минглаб пахтакорларини бу ишдан қўлини енгиллаштириш ва айна вақтда меҳнат сарф-харажатларини камайтиришга ёрдам бермоқда. Сирдарёликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватласа арийдилар. Бу ташаббуснинг энг биринчи бўлиб тошкентликлар ўз далаларида жорий қилдилар, деб ўйлаймиз.

Пахта — сув ва қуёш фарзанди, дейишди деҳқонлар. Оталар насбига содиқ бўлган сирдарёликлар бу йил ҳам катта ҳосил учун курашни сугорилган бошладилар. «Қишда ерни сугоритишни нима ҳолати бор?» деб сўраш мумкин бу ишдан беҳабар киши.

Бунда ҳам пахтакорнинг маҳорати намоён бўлмоқда. У ерни даҳшатли насаллик — шуранингдан далаволамоқда. 80 минг гектардан ортиқроқ бўлган жуда катта майдонда ерининг шўри ювилади. Мурғак гўзаларини кўриб қўйилган неча-неча юз тонна зарари туз пахта далаларида айна узокча — ер қабини сингир кетмоқда. Намликнинг етарли даражасида сақламайдиган участкалар сувга қониқтирилди.

Тошкентликларнинг ишига ҳам бир назар ташлайликми? Улар гўшани гўла қилишда бўлишга, далалар эса ёз жазирасида зарур миқдорда намликни олиштириш учун қандай чоралар кўришляпти?

Тошкент областида ирригация тармоқларини таъйирлаш ишлари айна қўзилиб кетди. Ҳақни равишда даланинг қон томири деб аталадиган майда ариқ-зовурларнинг шу кунга қадар атиги 7 процентига тоза-

ланган. Кўпчилик хўжаликлар белгиланган иш графигидан оғда қилишмоқда: Буна, Юқори Чирчиқ, Бўстонлиқ, Оржоникидзе районларининг хўжаликларига ариқ-зовурларни қўлда тозалашга ҳали киргизилган ҳам йўл.

Коллектор ва зовурлар сўғит ремонт қилинмоқда. Бу соҳадagi топшириқ 66 процент бажаришган. Оҳангарон районда ташвишли аҳвол вужудга келди. 96 минг кубометр ер ишлаб бажарилиши керак эди. Атиги 17 минг кубометр мўлдорда иш бажаришган. «Шу нарсга ҳайратга солинди: кўпчилик колхозлар ўз экскаваторларига эга бўлганлари ҳолда нима сабабдан уларни ишга солмайдилар.

Агар Тошкент областида даладорлар боридиган сув йўллари оғишга шовилинмаётган бўлса, Сирдарё областида эса тракторларнинг деярли учдан бир қисmini ишга тахт қилиб қўйилмаган. Айниқса машиналар ремонтни Зомин, Дўстлар ва Бобут сингари йирик районларда кечиртириб — юборилди. Экинчи кампаниясига айна қолди, бироқ областда селлаларнинг 60 процентасигина таъйир, холос.

Машиналарнинг таъйирли одамлар бошқариши ажда муҳим аҳамиятга эга. Сирдарё области пахтачиларини комплекс механизациялаш — соҳасида бутун республикага намуна. Бу област ўзининг қўдратли машина паркига эга. Бироқ шу нарсга ачинарлики, бу областда механизатор кадрларни таъйирлашга етарли эътибор берилмапти. Шунга қарамай, «Сельхозтехника»нинг баъзи бўлим-

лари малакали тракторчиларнинг тўрт ойлик курсларида кадрларни таъйирлашга ахши ташкил етмадилар.

Баҳор экин қоқмоқда. Уруғлик ва техника тайёрийи, далага қанча ўнгит чиқарилди? Ариқ-зовурлар қандай аҳволда? Баҳорини экинчи мавсумига таъйирларининг аҳолини билиш учун қишда Тошкент области Янгийўл району колхозларининг ўзаро текшириш боришга кўздан кечиришди. Янгийўлликлар ташаббуси пахтакорлар мусобақасига янгица, маамун кайф етди. Бундан илгари мусобақадорлар бир-бирларини атиги бир мартагина — гўша парвариши авж олгандагина текширишар эди. Энди бўлса ўзаро текшириш баҳор арафасида ўтмоқда.

— Ўзаро текшириш экинга ахши таъйирлик қўришда бизга ёрдам беради, — дейди Янгийўлдаги Х. Турсунқулов номли колхознинг раиси Э. Жўраев. — Ил охирига бориб биз яна учташамиз. Ўшанда мусобақани аяқлаймиз.

Ўзаро текширишлар, мусобақанинг кенг ошқорлигини ва оммавийлигини таъминлаш деҳқонларнинг меҳнат активлигини ўстиришга, пахтакорларнинг ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришларига ёрдам беради.

Н. ГЛАДКОВ,
И. МУҚИМОВ.
(«Правда» газетасининг 14 февраль сонидан).

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ „ПОЛИТОТ-ДЕЛ“ КОЛХОЗИ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Чорвачилик — бизнинг хўжалигимизда энг муҳим тармон ҳисобланади. Унда 200 дан ортиқ колхоз аъзоси меҳнат қилмоқда. Ўтган юбилей йилида 4502 центнер гўшт, 25.850 центнер сўт етиштирилди. Давлатга гўшт сотиш пилани 110 процент, сўт сотиш пилани 153,7 процент бажарилди. Чорвачиликдан ўтган йили 1 миллион 770 минг сўм даромад, 220 минг сўм соф фойда олинди.

Колхозимиз чорвадорлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «1972—1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва таъйирлашнинг кўпайтириш учун чорва ходимларининг Бутуниттифок социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарорини билад руҳ билан кўтиб олдилар. Бу қарорда партия ва ҳукуматимизнинг чорвачиликни ривожлантириш, совет кишиларининг фаровонлигини яхшилаш ҳақидаги, гамҳўрликларга яққол ифодасини топган.

Бизнинг вазифамиз эришилган муваффақиятларни мустахкамлаб, янги марраларни қўлаб меҳнат қилишдан иборатдир. Биз тўғрисида беп илликнинг учинчи йилида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни анча кўпайтиришга аҳд қилиб, ўз зиммаларига қўйилган мажбуриятларни қилишга:

— гўшт етиштиришни 5.000 центнерга етказамиз. Бу юксак мажбуриятимизни ўзиг Оқтябр байрами кунига бажарамиз. Ўшунга топшириладиган ҳар бир бош қорамолнинг тилир вазни 400—420 килограммдан кам бўлмайд;

— сўт етиштиришни 30.000 центнерга етказамиз. Ҳар бош соғини сиғирдан ўрта ҳисобда 4000 литрдан сўт соғиб оламиз. Ўтган йили сўт соғиб олишда катта муваффақиятларга эришган илгор сўт соғувчиларимиздан Роза Кранова, Мария Сиимонова ва Татьяна Гудановалар 1973 йили ҳар бош соғини сиғирдан 5000—5500 килограммдан сўт соғиб олишга аҳд қилдилар;

— тухум етиштиришни 600 минг донга етказамиз, 330 центнер жул етиштирамиз ва давлатга сотамиз.

Бу социалистик мажбурият колхоз чорвадорларининг умумий мақлисида муҳокама қилиниб ва бир овоздан маъқулланган.

ЎҒИТ ДАЛАГА

Шу кунларда даладорлар оғиш боридиган йўлларда органик ўнгит ортлган трактор тележкалари, автосамосваллар қатнаб турибди. Колхоз ва совхозлар ҳозирнинг ўзидаёқ беш йилликнинг учинчи йили ҳосил учун 2 миллион тонна гўнг, ўз минглаб тонна девор тўғриги, балчиқ ташилдилар. Механизациялашган отрядлар даладорларга ташиб чиқармоқда. Сабзавот ва картошка екиладиган майдонларга органик моддалар, айнақса кўп солинимоқда. Тошкент ва Самарқанд областлари:

нинг шаҳар чеккаларига жойлашган иҳтисослаштирилган хўжаликларда ҳар гектар ерга 20 тонна ва бундан ҳам кўпроқ ана шундай модда солинимоқда.

Органик ўнгит таъйирлашдан банд бўлган механизаторларнинг меҳнатини рағбатлантириш учун хўжаликлар ҳақ тўлашини ажорди-нуфотлаш усулини жорий қилдилар. Чунотин, пиландан ташқари органик ўнгит ташинганлиги учун ма-софага қараб механизаторларга икки баравар кўп ҳақ тўланади. (ЎЗАҒ).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қайд қилдики, республика Халқ контроли комитети, «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталарининг редакциялари КПСС Марказий Комитети 1972 йил декабрь Пленумининг қарорларига ва СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига бағишланб ўтказилган тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев докладда қўйилган вазифаларга амал қилиб, халқ хўжалигида асбоб-ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланишнинг текшириш юзасидан республика рейди ташкил этиб, қимматли ташаббус бошладилар. Бу ишга халқ назоратчилари, ишчи ва қишлоқ мухбирлари, кенг меҳнаткашлар оммаси актив қўшилди.

Бошланган рейдинг дастлабки аяқларини ва халқ контроли комитетлари қараб чиққан ҳамда «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталари саҳифаларида эълон қилинган текширилган материаллари республиканинг кўпгина корхоналарида, қишлоқларида, колхоз ва совхозларида асбоб-ускуналар, машина ва механизмлардан фойдаланиш ҳамда уларни сақлашда хўжасизлик, ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга ўз вақтида тоғйирмаслик фактлари, кўп миқдордаги технология асбоб-ускуналарини ҳисобга олиш вақтида яшириб қилиш фактлари рўй берганлигини кўрсатади.

321 корхонада ташлаб ўтказилган текширишда — 4,5 миллион

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА АСБОБ-УСКУНАЛАРНИ САҚЛАШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДАГИ ХЎЖАСИЗЛИК ФАКТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

сўмлик 2619 донга ҳали ўрнатилмаган асбоб-ускуна ҳисобга олиш вақтида яшириб қўлингалиги аниқланди. Бухорода курилетган керамзит заводига электр моторлари, вентиляторлар, элеваторлар, пресслаш установкалари ва бошқа асбоб-ускуналар очик жойларда сақланиб, ишдан чиқмоқда. «Узсельхозтехника»нинг Сирдарё области базасида 70 та янги электр двигатели очик жойда сақланиб ишдан чиқариляпти. Самарқанд областининг колхозлари ва совхозларида сўт соғиш установкаларининг 15 процентини, Сурхондарё областида эса озуқа цехларининг 37 процентини ва сўт соғиш установкаларининг 30 процентини ишлатилмай ётибди.

Республиканинг бошқа корхоналари, ташкилотлари ва хўжаликларда ҳам асбоб-ускуналардан фойдаланиш ва уларни

сақлашда хўжасизларча муносабатда бўлиш фактлари рўй берётганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қарор қилди: 1. Республика халқ контроли органлари, «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталарининг редакциялари халқ хўжалигида асбоб-ускуналарнинг қандай сақланганлигини ва улардан фойдаланишнинг текшириш юзасидан ўтказган ишлар маъқуллансин.

2. Область, шаҳар, район партия комитетлари ва корхоналар ҳамда хўжаликларнинг бошлангич партия ташкилотлари зиммасига халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида текшириш ва рейдлар ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш, шу текшириш ва рейдларнинг аяқларини ўз вақтида қараб чиқиб, асбоб-ускуналардан фойдаланиш ва уларни сақлашда хўжасизликка,

шунингдек уларни ҳисобга олиш вақтида яшириб қилишга иул қўётган шахсларни қаттиқ жавобгарликка тортиш мажбурияти юклатилсин.

3. Республика министрликлари ва идоралари зиммасига социалистик мулкни эҳтиётлик билан сақлаш борасидаги ишларни кучайтириш, асбоб-ускуналар ҳамда механизмлардан фойдаланиш ва уларни сақлашда текшириш ва рейдлар вақтида очиб ташланаётган камчиликларни тугатиш юзасидан ишчилик чоралар кўриш, бу масалаларни коллегияларнинг мажлисларида қараб чиқиб, ана шу муҳим иш участкасига маъсулиятсизлик ва соғувонлик билан қароватган раҳбарлар олдига қатъий талаблар қўйиш мажбурияти юклатилсин.

4. Республика халқ контроли комитетлари зиммасига текшириш ва рейд аяқларини халқ контроли гуруппалари йиғилишларида, коллективларида, шунингдек комитетларнинг мажлисларида муаммаз муҳокама қилиб туриш, бу масалаларни партия, совет ва хўжалик органлари муҳокамасига қўйиш мажбурияти юклатилсин.

5. Газеталарнинг редакцияларида, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиозинтириш давлат комитетига текшириш ва рейдларнинг аяқларини газета саҳифаларида, радио ва телевидение орқали кенг ёритиб бориш вазифаси топширилсин.

13 - МАШИНОСТРОЕНИЕ

